O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT[illegible]ALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 25-fevral • Payshanba • 24 (30.144) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Шу кунларда ЎзХДП кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қанотининг туман ва шаҳар конференциялари ўтказиляпти. Ҳар икки йилда бўлиб ўтадиган мазкур анжуманда қанотнинг фаолияти таҳлил қилинади, янги вазифалар белгилаб олинади.

«Истиқбол» ёшлар қаноти

конференцияларида ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди

Наманган туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг конференциясида асосий эътибор ижтимоий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилди.

— Бугун туманда 3500 нафар ЎзХДП аъзоси 69 та бошланғич ташкилотга бирлашган, — деди туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Умиджон Солиев. — Уларнинг 1700 нафарини ёшлар ташкил этади. Ёшлар қаноти ўтган давр мобайнида бир қатор ташаббуслар билан чиқиб, «Камолот» ЁИҲ, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари, шунингдек, мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари, туман тиббиёт бирлашмаси ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда фаолият қамровини тобора кенгайтиришга эришмоқда.

Биргина «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг босқичма-босқич ташкил этилиши жараёнида 150 нафар истеъдодли, сиёсий фаолликка интилаётган, келгусида партия ташкилотларида ишлаш, депутат бўлиш истагида бўлган фаол ёшларни кашф этдик.

«Йил китобхони», «Менинг ижтимоий бурчим», «Нотиқлик санъати», «Қишлоқ чемпиони» мавзуларида ўтказилган беллашувлар «Истиқбол» фаолиятига қизиқувчилар сонини янада оширди. Кейинги икки йилда тумандаги ХДП аъзолари сафи ёшлар ҳисобига 200 нафарга ўсди.

— «Истиқбол» ёшлар қаноти тадбирларида қатнашмагунча, давлат, жамият, фуқаролик каби тушунчалар мазмун-моҳиятини чуқур англамаганман, — дейди Аброр Собиров. — Ёшлар қаноти сафида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тушунган ҳолда, менда бу жараёнларда фаол иштирок этиш истаги янада кучайди. Ҳаётга муносабатим ўзгарди. Ўзимни Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фаровонлигига дахлдор ҳис эта бошладим.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муборакхон Холматова, вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Нигора Нуралиева, Тепақўрғон педагогика ва сервис коллежи талабаси Мафтуна Сирожиддинова, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими мутахассиси Одина Халилова, туман ИИБ Паспорт бўлинмаси бошлиғи Жаҳонгир Турғунбоев ва бошқалар ёшлар қаноти фаолиятини янада кучайтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Рақобат қанчалик кучли бўлса

сиёсий партиялар дастурий вазифалари ҳаётга татбиқ этилишининг кафолати шунчалик мустаҳкам бўлади

Бугунги давр, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар олдимизга катта вазифаларни қўймоқда. Сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик гуруҳларидан ҳаётга зийрак қараш, ислоҳотлар тақдирига масъулликни чуқур ҳис этиш ва фаоллик талаб этилади.

Тошкент вилоят партия кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулотида ана шулар ҳақида батафсил сўз юритилди.

2-бет »

Ноҳукумат тузилмалари

2

Солиқ хизмати ва ОАВ

3

Ҳамширага аталган гуллар

4

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси **«Ал-Айн» — «Пахтакор» — 0:1.**

Осиё футбол конфедерацияси кубоги **«Ал-Аҳад» — «Насаф» — 0:4.**

Диққат янги рукн:

XXI аср интеллектуал бойлик асри

Имконият, изланиш, ихтиро...

«Озонатор» — бу ноёб ускуна бир дақиқада 1-3 метр куб ҳажмдаги ҳавони тозалайди.

ИВС-1 — пахта чигити намлигини ўлчайдиган янги қурилма. Шу кунгача чигит намлигини ўлчашга 4-5 соат вақт сарфланар, хатолик эса 3-4% ташкил этарди. Янги ускуна эса 4-5 дақиқада бу ишни уддалайди. 0,5% хатоликка йўл қўйиши мумкин.

Ангрен каолини — у хориждан келтириладиган алюманикельмолибден катализаторидан умуман қолишмайди. Аксинча, гидротозалашда бир қатор устунликка эга.

2-бет »

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

1 САВОЛГА ЖАВОБ

— Бугуннинг депутати қандай бўлиши керак, ундан нималар талаб этилмоқда?

Нажимаддин МУҲАММЕДДИНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати:

— Халқ ишончига сазовор бўлган одам энг аввало, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши керак. У ҳаётий масалалар моҳиятини чуқур англаган ҳолда, ўз фикри ва муносабатига эга бўлиши лозим.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутат ҳудудий, минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бевосита жавобгар эканини ҳар доим чуқур ҳис қилиши зарур.

Биз, аввало, сайловчиларимизни, партиямизнинг электоратини ташвишга солаётган масалаларни ўзимиз сайланган органда муҳокамага қўйишга эришишимиз зарур.

Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органи ҳисобланади. Турли масалалар муҳокамаси чоғида сенаторлар асосан ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан уларга ўз муносабатини билдиради. Сенат аъзоларининг асосий қисми эса маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайланган. Демак, маҳаллий Кенгашлар депутатларида тегишли масалаларни Олий Мажлис Сенати даражасига олиб чиқиш имконияти мавжуд. Агар масала юзасидан қарор қабул қилиш маҳаллий Кенгашлар ваколатига кирмаса, Сенатга сайланган ҳамкасбларимиз орқали уни Олий Мажлиснинг юқори палатасига олиб чиқиш керак.

Биз бу имкониятдан самарали фойдаланмоғимиз керак.

Авиаходимлар норозилиги

ортиб бормоқда

Айни пайтда Европа фуқаро авиацияси қийин кунларни бошидан кечирмоқда.

3-бет

Дунё бўйлаб

Лондон	10°С
Париж	11°С
Москва	-3°С
Мадрид	15°С
Пекин	8°С
Гонконг	28°С
Рим	14°С
Анқара	8°С
Токио	17°С
Стокгольм	-2°С
Кейптаун	25°С
Қоҳира	22°С
Гавана	30°С
Вашингтон	2°С
Нью Йорк	4°С

25 февраль об-ҳавоси



Юртимизда

Тошкент	4°С
Самарқанд	3°С
Нукус	1°С
Қарши	5°С
Урганч	2°С
Навоий	2°С
Фарғона	4°С
Бухоро	3°С
Андижон	4°С
Наманган	4°С
Термиз	6°С
Жиззах	3°С
Сирдарё	4°С
Тошкент вил.	4°С

Рақобат қанчалик кучли бўлса

сиёсий партиялар дастурий вазифалари ҳаётга татбиқ этилишининг кафолати шунчалик мустаҳкам бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари қатнашди.

Иштирокчилар Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган мулоҳазалар асосида фикр алмашдилар.

— Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг ўз ўрни, иштироки бўлиши керак, — дейди Тошкент вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Сирожиддин Аъзамов. — Турли сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги рақобат қанчалик кучли бўлса, жамиятимизнинг биз суянадиган ижтимоий қатлами манфаатлари янада самарали ҳимоя этилади. Қолаверса, депутатлик гуруҳларидан қонун ва қарорлар ижроси жойларда қандай бажарилаётгани устидан жамоатчилик, депутатлик назоратини қатъий олиб бориш талаб этилмоқда.

Бизнинг депутатлик гуруҳимиз ҳам партиямиз электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат эътиборини қаратиши зарур. Бунда жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халал бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ-ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, ижтимоий-иқтисодий дастурлар самарадорлигини ошириш учун ўз муқобил таклифларимизни ўртага ташлашимиз муҳим аҳамиятга эга.

Шуни тан олиб айтиш керакки, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши фаолиятида ҳам қабул қилинаётган қарорлар ижроси масалалари бўйича камчиликлар оз эмас. Қарорлар ижроси, тегишли тармоқларда устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан ҳокимликлар, бошқарма ва муассасалар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам эшитилади ва муҳокама этилади. Бундан буён ана шу масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш зарур, деб ўйлайман.

— Бугун олдимизда ҳақиқатан ҳам улкан вазифалар турибди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев. — Аввало, халқ ишончини оқлашимиз зарур. Бунга уларни қийнаб келаётган масалаларни ўрганиш, ечимини топиш орқали эришиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир депутат сайлов округида сайловчилар билан ишлашни такомиллаштириши, зарур масалаларни депутатлик гуруҳи фракция орқали халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига олиб чиқиш лозим. Сафимиздаги ҳар бир киши хоҳ у оддий партия аъзоси бўлсин, хоҳ депутат, фақатгина ўз ғояларимизни амалга ошириш саъй-ҳаракатлари билан чекланиб қолмай, бошқа партияларнинг дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган интилишлардан ҳам яхши хабардор бўлмоғи керак. Ана шунда улар билан ҳақиқий баҳс олиб боришимиз ва ўз ғоя ҳамда таклифларимиз устунлигини намоён этишимиз мумкин.

Тадбирнинг иккинчи қисмида гуруҳларда интерфаол муҳокамалар ташкил этилди. Уларда ишлаб чиқилган таклифлар асосида вилоят партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳининг устувор вазифалари белгилаб олинди.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ноҳукумат тузилмалари

давлат билан жамиятни боғловчи демократик институтдир

Биз ўз олдимизга ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйганмиз. Демократик жамият барпо этишнинг муҳим тамойилларидан бири нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатланишидир. Демократик ўзгаришлар туфайли мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Конституциямизнинг 56-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлатимиз раҳбари «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган ғояни ўртага ташлаб, фуқаролик жамиятини шакллантириш тартибини қуйидагича белгилаган: **Шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизоми, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур. Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим.**

Ҳозир мамлакатимизда беш мингдан ортиқ нодавлат ташкилот фаолият юритмоқда. Улар фаолиятининг ҳуқуқий пойдевори яратилган. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақиқатан ҳам мустаҳкам ҳуқуқий замин сифатида хизмат қилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний, юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган халқаро, республика ва вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, оммавий жамоатчилик ҳаракатлари ва касаба уюшмаларини, халқаро жамоат бирлашмаларининг таркибий бўлинмалари (бўлимлари, филиаллари) уставларини рўйхатга олиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, республика ва вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, фаолияти вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ҳудудида ёхуд икки ва ундан ортиқ туманлар ва шаҳарлар, шаҳарчалар ҳамда қишлоқлар ҳудудига тарқаладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар тегишли адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга уставни қабул қилган таъсис мажлиси бўлиб ўтгандан бошлаб, икки ой муддатда ариза берилади ва аризага «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси талабларига жавоб берадиган ва таъсисчилар томонидан тасдиқланган устав ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Шунингдек, қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Сиёсий партиялар учун камида саккиз ҳудудий субъектда (вилоятда), жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшовчи камида йигирма минг партия аъзосининг рўйхати, касаба уюшмалари учун камида уч минг фуқаронинг рўйхати иловаси тақдим этилиши керак.

Бир нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбар органи аъзоси бир вақтнинг ўзида бошқа нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбар органининг аъзоси бўлиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Бу ўз навбатида уларга фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Шу билан бирга, ноҳукумат тузилмалари юридик шахс сифатида айрим мажбуриятларга ҳам эга. Улар қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши, ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритиши ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиб бориши лозим.

Республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда. Зеро, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни ўзаро мустаҳкам боғловчи демократик институтлардан биридир.

Ахмед АЛЕВЕТДИНОВ,
Адлия вазирлиги жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Япон маҳсулоти Ўзбекистонда

Компьютер, уяли телефон ва бошқа телекоммуникациялари билан жаҳонга танилган Японияниинг «NEC» компанияси анчадан буён Республикамиздаги бир қатор йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида компания вакиллари янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни режалаштирган.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида «NEC» компаниясининг «Японияда замонавий ахборот ва коммуникация бозори» мавзуидаги лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонда барча соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун қулай муҳит шаклланган, — дейди «NEC» компанияси бош менежери Шиня Кукито.

Маълумки, компания компьютер тизими ва тармоқларнинг янги технологиялардан фойдаланиш, ахборот коммуникацияси ва алмашинуви жараёнларида тезликни таъминловчи усулларни яратиш борасида университет талабалари билан ҳамкорлик қилган.

Тадбир қатнашчилари кунчиқар мамлакатда яратилаётган юқори сифатли рақамли технологик телекоммуникация жиҳозлари билан яқиндан танишдилар.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Диққат янги рукн: XXI аср интеллектуал бойлик асри

Имконият, изланиш, ихтиро...

Президентимиз ташаббуси билан 1-3 март кунлари учинчи бор ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети бўлажак ёш олимлари 27 та замонавий инновацион ихтиро билан иштирок этади.

Абдуқаҳҳор САЙНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби, (2005 йил бакалаврлар, 2007 йил магистрлар ўртасида) металлар технологияси ва материалшунослик кафедраси тадқиқотчиси:

— Ярмаркада **«Мис бойитмаларини кислород-машъал печида эритишнинг оптимал технологияси»** мавзуидаги лойиҳа билан иштирок этаман. Илмий ишимда мис бойитмаларини кислород машъалида эритиш, кислород сарфини ўзгартириш технологиясини ишлаб чиқдим. Бунинг аҳамияти шундаки, мис ва қимматбаҳо компонентларни чиқинди шлакларга чиқиб кетиши сезиларли равишда камаяди. Шунингдек, агрегат иш унумдорлиги ошади. Ушбу инновацион лойиҳа Олмалиқ кон-металлургия комбинатида жорий этилиши режалаштирилган. Ҳозирда эса ушбу ихтирога патент олиш учун ҳужжат топширдим.

Неъмат КАЗАКОВ, геология ва кончилик иши факультети магистри:

— Навоий кон-металлургия комбинати буюртмасига асосан «Беляут Габбро конида қазиш ишларини жадаллаштириш учун контурли скважинали усулни қўллаш» бўйича янги технологик лойиҳа ишлаб чиқдим. Бу усул кон ишлари параметрларини тубдан алмаштириш имконини беради, қазиш жараёнини жадаллаштиради. Синов тажрибаларидан шу нарса маълум бўлдики, ихтиро кондан олинаётган блокларнинг массивдан чиқишини 10 фоиздан 18 фоизга, меҳнат унумдорлигини эса 5 мартагача оширади. Бурғулаш ишларининг ҳажми 7 мартагача камаяди.

Шуҳрат ИСЛОМОВ, металлар технологияси ва материалшунослик кафедраси аспиранти:

— Ўзбекистон қаттиқ қотишмали ва ўтга чидамли материаллар комбинати билан ҳамкорликда ўта юқори ҳароратдагина эриши мумкин бўлган металларнинг нанокукунларини олиш ҳамда ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устида изланиш олиб бормоқдаман. Ушбу лойиҳанинг афзалликлари кўп. Масалан, кончиликда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бурғулаш асбоблари ишлаш муддатини 3-4 баробарга узайтиради. Шуни ҳисобга олиб биз илгари сураётган лойиҳа мазкур бурғулаш асбобини такомиллаштириш ечимига қаратилган. Бу усул металларга ишлов берувчи, кесувчи ва шакл берувчи ускуналар ишлаб чиқаришда ҳам қўл келади. Ҳамкасбим **Хуршид Мамаражабов** эса мазкур усулни қишлоқ хўжалиги техникаларида қўлламоқда. Унга кўра, ерни эгатлаш, дон экиш ва зичлаш учун ишлатиладиган юқори сифатли металл қурилма устига нанокукунли махсус қоплама билан ишлов берилади. Бу эса қурилма сифатини илгаригидан беш марта яхшиланишига хизмат қилади.

Баҳром ҚОРАБОЕВ, электроника ва автоматика факультети талабаси:

— Бугунги кунда тоза ҳавонинг инсон саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этишини, айниқса, бутун дунёда экологик вазият ёмонлашаётган бир пайтда, ушбу масала жуда долзарблигини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Мен курсдошим **Фарҳод Маҳкамов** билан ҳавони тозалайдиган «Озонатор» қурилмасини яратдик. Электр қуввати билан ишлайдиган бир дақиқада 1-3 метр куб ҳажмдаги ҳавони тозалайдиган мазкур ихтирони саноат корхоналарида ва шу каби тармоқларда бемалол қўллаш мумкин. Шу кунларда уни «Санг-ускуна» масъулияти чекланган жамиятида жорий этиш кўзда тутилган.

Султонмурод КАРИМОВ, нефть ва газ факультети магистри:

— Ярмаркада **«Нефть маҳсулотларини гидротозалаш жараёнлари учун маҳаллий хомашёдан катализаторлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш»** мавзуидаги лойиҳа билан иштирок этаман.

Дунё олимларининг фикрича бензин таркибидаги олтингугурт миқдорининг 0,005% бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади. Кўрсатилган фоиздан ошиб кетиши эса машина двигателининг емирилишига олиб келади. Шунинг учун нефть маҳсулотларини қайта ишлашда гидротозалаш, яъни унинг таркибидаги олтингугурт, азот умуман, гидроатомбирикмаларни ажратиб олиш муҳим аҳамиятга эга. Нефть маҳсулотлари юқоридаги бирикмалардан тозаланса, ускуналарнинг емирилиши кескин камаяди. Бунинг учун алюманикельмолибден ва алюмакобальтмолибденли катализатор қўлланилади. Айнан унинг таркибидаги алюминий оксиди тозаловчи вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда мазкур моддалар асосан хориждан, хусусан Франциядан катта миқдордаги маблағ эвазига келтирилади. Шуни ҳисобга олиб, мен нефть маҳсулотларини гидротозалаш жараёни учун маҳаллий хомашё, яъни Ангрен каолинидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш устида илмий изланиш олиб бормоқдаман. Дастлабки натижалар шуни кўрсатмоқдаки, қайта ишланган Ангрен каолини алюманикельмолибден катализаторидан умуман қолишмайди. Аксинча, жуда кўп томонлама устунликка ҳам эга.

Жамшид ЗОКИРОВ, электроника ва автоматика факультети талабаси:

— Кўргазмада пахта чигити намлигини ўлчайдиган ИВС-1 номли қурилма билан иштирок этмоқчиман. Ушбу технологик ускуна ўз ишини экспресс муддатда амалга оширади. Чунончи, шу кунгача чигит намлигини ўлчаш учун 4-5 соат вақт кетарди ва ундаги хатолик 3-4% гача эди. Бунда эса 4-5 дақиқанинг ўзи кифоя. Хатолиги 0,5%. Қурилмага ўрнатилган мини экран — дисплей эса сарфланган вақтни кўрсатиб туради. У ихчам бўлиб, бемалол қўлда олиб юриш мумкин. Ушбу технология ҳозирда Янгийўлдаги озиқ-овқат ва ёғ-мой саноати комбинатида синовдан ўтмоқда. Мазкур қурилмадан фармацевтика соҳасида ҳам фойдаланиш мумкин. Келажакда уни янада такомиллаштириш ниятидаман.

Шуҳрат ШАКИРОВ, металлар технологияси ва материалшунослик кафедраси тадқиқотчиси:

— Ярмаркада **«Кукун металлургияси усулида антифрикцион сирпаниш подшипникларини ишлаб чиқариш»** мавзуидаги лойиҳа билан қатнашаман. Маълумки, металлокерамик фильтрлар асосан темир чиқиндиларни қайта тиклаш йўли билан ишлаб чиқарилади. Бу фильтр бошқаларига қараганда юқори тозалаш даражасига эга бўлиб, юқори ва паст ҳароратларда суюқлик ҳамда газларни фильтрлайди. У бошқа материаллардан тайёрланган (мато, пахта, қоғоз, шиша) фильтрларга қараганда узоқ муддат ишлаши, қайта регенерация қилиниши ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Бундай фильтрлар асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, газ конденсати, шунингдек, ичимлик сувларини юқори даражада тозалаш учун қўлланилади. Бу лойиҳамиз ҳозирда «Ўзметкомбинат» бирлашмаси ҳамда Тошкент лок-буёқ заводида жорий этилган.

Карима НОРҚУЛОВА, ТошДТУ илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор:

— Ҳозирги пайтда университетда 24 та фундаментал, 47 та амалий, 11 та инновацион, шунингдек, саноат корхоналарининг буюртмаси бўйича 70 дан зиёд хўжалик шартномалари амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, ушбу лойиҳаларни тайёрлашда профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда ёш тадқиқотчилар, бўлажак олимлар ҳам иштирок этмоқда.

Ушбу лойиҳаларнинг аксари ҳозирданоқ иқтисодиётнинг турли тармоқларига татбиқ қилинмоқда. Энг муҳими, улар таклиф этмоқчи бўлган маҳсулотлар жаҳон андозаларига тўла жавоб бериши, моддий ресурсларни тежаши ҳамда қўл меҳнатини камайтириши билан хорижда яратилаётган юқори сифатли технологиялар билан ҳар томонлама рақобатлаша олади.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

Солиқ хизмати ва ОАВ

Давлат солиқ қўмитасида «Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини модернизациялаш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Солиқ кодексининг 134 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Солиқ органлари тизимини янгилаш, уни янада модернизация қилиш, назорат қилувчи органлар функцияларидаги бир-бирини такрорлаш ҳолатларини бартараф этиш, солиқ қонунчилиги ва Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш, бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга асосан Республика давлат солиқ органлари олдига бир қатор қўшимча вазифалар қўйилиб, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи тузилмалари ташкилий структураларига ўзгартиришлар киритилди.

Ўтган йилнинг охири ҳамда 2010 йилнинг дастлабки кунларида солиқ тизимида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Анжуманда қайд этилдики, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида жорий йилда фойда солиғининг базавий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди. Натижада корхоналар ихтиёрида 2010 йилда 52,1 миллиард сўм атрофида маблағ қолдирилиши, иқтисод қилинган маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни технологик қайта жиҳозлаш, ишчи, хизматчиларнинг иш ҳақларини оширишга йўналтириш имконияти пайдо бўлади.

Аҳоли даромадларига солиқ юкини камайтириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 2010 йилда ҳам камайтирилиб, солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилди.

Амалга ошириладиган тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари 102,0 миллиард сўмга ўсиши кўзда тутилмоқда.

Ягона солиқ тўлови бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси 8 фоиздан 7 фоиз миқдорида белгиланди. Бунинг натижасида улар ихтиёрида 2010 йилда 25,0 миллиард сўм атрофида маблағ қолиши кутилмоқда.

Анжуманда солиқ сиёсатида рўй бераётган янгилик ва ўзгаришларни кенг ва сифатли ёритиш, оммавий ахборот воситалари вакилларининг соҳага оид билимларини янада ошириш мақсадида 2010 йил март-сентябрь ойлари мобайнида журналистлар учун махсус семинар-тренинглар ташкил этишга келишиб олинди. Шунингдек, ушбу давр оралиғида маҳаллий ва марказий ОАВларда эълон қилинган солиққа оид энг яхши интернет материали, мақола, лавҳа, радиоэшиттиришлар бўйича республика танлови ҳам эълон қилинди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шарх

Авиаходимлар норозилиги ортиб бормоқда

Гап шундаки, Европада авиация ходимларининг иш ташлашлари давом этмоқда. Интернет манбаларида қайд этилишича, ҳафта бошида, яъни душанба куни Германиянинг «Lufthansa» йирик авиакомпанияси учувчилари 4 кунлик иш ташлаш эълон қилгани боис, 800 тага яқин парвозлар бекор қилинган эди. «Cockpit» профессионал уюшмасига аъзо 4 мингдан ортиқ учувчи меҳнат хавфсизлиги талаблари оширилишини, кам маошга ишловчи учувчилар хориждан ишга жалб этилишига чек қўйилишини, шунингдек, маҳаллий учувчиларнинг меҳнат билан бандлиги кафолатланишини талаб қилмоқда.

«Associated Press» АА маълум қилишича, бугунги кунда Германия авиакомпанияси харажатларни камайтириш учун энг кам маош тўланадиган мамлакатлардан малакали учувчиларни ишга жалб этиш тажрибасини қўлламоқда. Бу эса катта миқдордаги маошга ишловчи маҳаллий учувчиларга ёқмаяпти. Негаки, бу ҳаракат уларга ўз иш ўрнини йўқотиш хавфини туғдиради.

Ушбу норозилик акцияси йўловчи ташувчи «Lufthansa» авиакомпаниясидан ташқари юк ташувчи йирик «Germanwing» авиакомпаниясини ҳам қамраб олди. Экспертлар бу акцияни «Lufthansa»нинг кейинги 10 йиллик тарихидаги энг йирик иш ташлаш, дея таъкидламоқдалар.

Умуман олганда, норозилик акцияси Европанинг бошқа шаҳарларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. «AFP» АА хабар тарқатишича, Франциянинг «Air France» авиакомпанияси авиадиспетчерлари ҳам сешанбадан эътиборан 5 кунлик иш ташлаш эълон қилди. Бу норозилик акцияси жорий йилнинг ўзида иккинчи марта уюштирилишидир. Фуқаро авиацияси бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бу иш ташлаш «Орли» аэропортидан учувчи ҳар иккинчи, «Руасси-Шарл де Голл» аэропортидан кўтарилувчи самолётларнинг эса 25 фоизининг парвози қолдирилишига олиб келади. «По», «Биярица», «Гренобля», «Ла Рошел» ва «Шамбери» аэропортларида эса парвозлар бутунлай тўхтатилиши мумкин.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, авиадиспетчерларнинг бу қадар кенг миқёсли иш ташлашига сабаб келажакда улар ўз иш жойларини сақлаб қола олмаслик хавфининг юзага келганидир.

Маълумки, Франция Европанинг Бельгия, Германия, Люксембург, Нидерландия ва Швейцария сингари мамлакатлари билан ҳамкорликда 2012 йилгача ҳаво йўллари транспорти қатновларининг ягона назорат тизимини яратиш режаси устида иш олиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, халқаро глобаллашувнинг янада чуқурлашуви келгуси 15 йилда Европа Иттифоқининг ички авиатрафиги 50 фоизга ўсишини таъминлайди. Демак, бу ўзўзидан авиақатновлар назорати юзасидан ҳамкорликни кучайтиришни талаб этади, шу билан бирга ягона назорат тизимини яратишга эҳтиёж туғдиради.

Аммо бу ягона тизимни яратиш ташаббуси Франция авиацияси касаба уюшмаларининг норозилигини келтириб чиқармоқда. «Халқаро назорат тизимининг яратилиши Франция авиацияси ички миллий тармоғида иш ўринларининг оммавий қисқартирилишини юзага келтиради» дейилади Франция диспетчерлари бирлашмаси баёнотида. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, янги тизим яратилиши натижасида мамлакат фуқаро авиациясининг 12 минг кишилик жамоасидан 4 минги қисқаришга тушади.

Оммавий иш ташлашлар тўлқини айни пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан жуда қийналаётган Грециян ҳам четлаб ўтмади. Кеча мамлакатда авиақатновлар деярли тўхтаб қолди. Жумладан, Грециянинг етакчи авиакомпаниялари бўлмиш «Olimpic Air» ва «Aegean Airlines» маҳаллий ва халқаро парвозларни бекор қилди. Афинанинг «Элефториос Венизелос» халқаро аэропорти эса барча парвозларни қолдириш билан бирга аэропортга қўнувчи самолётлар қабул қилиниши тўхтатилишини билдирди.

«Новости» АА хабар беришича, Греция авиадиспетчерлари мамлакатнинг давлат ва хусусий сектори вакилларининг оммавий иш ташлашига қўшилдилар. Улар ҳукуматнинг бюджет харажатларини камайтириш ҳақидаги баёнотларига қарши норозилик билдирмоқда. Ушбу акцияга мамлакатнинг давлат ва хусусий сектори касаба уюшмалари бош-қош бўлмоқда.

Маълумки, Греция инқироз боис бюджет камомадига ва катта миқдорда қарзга ботиб қолган. Мамлакатни қарз ботқоғидан олиб чиқиш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш учун инқирозга қарши чоралар дастури Европа Иттифоқи назорати остида амалга оширилмоқда.

Дарвоқе, норозилик акциялари тўлқини Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпаниясини ҳам қамраб олиш эҳтимоли йўқ эмас. Авиакомпаниянинг борткузатувчилари яқин кунларда узоқ муддатли иш ташлаш акциясини ўтказиш учун овоз бердилар. Интернетнинг «Вести.Ru» сайтидаги ахборотда қайд этилишича, авиакомпания маъмуриятининг авиакомпания кўраётган зарарни камайтириш учун борткузатувчиларнинг иш ўринларини ва авиакомпания ходимлари маошларини қисқартириш режаси норозиликни келтириб чиқарди.

Иш ташлашни қачон ва қанча муддат ўтказиш бугун-эрта касаба уюшмалари томонидан белгиланади. Касаба уюшмалар вакиллари шуни алоҳида таъкидлашмоқдаки, улар авиакомпания маъмурияти билан музокара ўтказишга тайёр. Агар раҳбарият улар талабига кўнса, акция бекор қилиниши мумкин. Бироқ авиакомпания мутасаддилари акцияга қарши чоралар юзасидан иш бошлади, яъни учувчиларнинг ўзларини борткузатувчилик вазифасини бажаришга ўргатмоқда. Агар борткузатувчилар иш ташлашса, учувчилар уларнинг йўқлигини билдирмай туради.

Қисқаси, бугун Европа фуқаро авиациясида аҳвол тобора мураккаблашиб бормоқда. Унинг миқёси янада кенгайиши ёки бартараф этилиши мамлакатлар раҳбарлари кўрадиган чораларнинг салмоғи ва ижтимоий муҳофазага боғлиқ.

Алимқул СУЛТОНОВ шарҳлади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Каттақўрғон тумани, Саройқўрғон ҚФЙ Полвонтепа қишлоғида сув тармоғи қурилиши	136 917 058 сўм	114 097 548 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да** ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 12-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
	ЛОТ 1-2:			
Лот-1	Каттақўрғон тумани, «Ризаев Хурсан» фермер хўжалигида 30,56 гектар ерга пахта билан ғаллани айланма экишда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизими	357 147 810 сўм	297 623 175 сўм	3 ой
Лот-2	Каттақўрғон тумани, «Зафар» фермер хўжалигида 22,13 гектар танланган ер майдонига пахта билан ғаллани айланма экишда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизими	356 921 151 сўм	297 434 293 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказги.

Буюртмачи: 12-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

Манзили: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 62-уй,

телефон: (8-366) 234-37-13.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да** ўтказилади.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон Қурилаётган корхонларнинг бирлашган дирекцияси

1.Сурхондарё вилояти, Бандихон туманидаги «Дўстлик» насос станцияси ва каналини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи:

қўшилган қиймат солиғи билан — 2795,456 млн.сўм,

қўшилган қиймат солиғисиз — 2329,546 млн.сўм.

Қурилиш муддати — 274 кун.

2. Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «Ҳотамтой» каналини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи:

қўшилган қиймат солиғи билан — 267,528 млн.сўм,

қўшилган қиймат солиғисиз — 222,940 млн.сўм.

Қурилиш муддати — 365 кун.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.

қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Манзили: Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси, 10-уй, Тел/факс: 222-70-83, 222-75-29, 222-70-83.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — **Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиш кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.

«Бунёдкор»нинг йирик ғалабаси



Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси баҳслари бошланди. Унда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» ҳамда Ўзбекистон кубоги соҳиби — «Пахтакор» жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилаяпти.

Мусобақанинг «В» гуруҳида иштирок этаётган бунёдкорчилар дастлабки турда ўз майдонида Осиё чемпионлар лигасининг ўтган йилги финалчиси Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» футболчиларини қабул қилишди. Ривалдо, Жасур Ҳасанов ҳамда Денилсонлар киритган бир-биридан чиройли голлар «Бунёдкор» жамоасининг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади — 3:0.

Кеча кечқурун мусобақанинг қолган учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари сафарда «Ал-Айн» (БАА) футбол клуби меҳмони бўлдилар.

Шунингдек, Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида илк маротаба қатнашаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси ҳам илк ўйинни ўтказди. Мусобақанинг «С» гуруҳида тўп сураётган қаршиликлар Байрутда «Ал-Аҳад» (Ливан) вакилларига қарши майдонга тушдилар.

Боксчиларимиз муваффақияти

Ямбол (Болгария) шаҳрида Странжа хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир якунланди. Олтмиш биринчи маротаба ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг Россия, Миср, Болгария, Куба, Македония, Франция, Украина, Туркия, Сурия сингари ўн бир давлатидан келган энг кучли «чарм қўлқоп» усталари ғолиблик учун рингга чиқдилар.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўн бир вазн тоифасида медаллар учун кураш олиб боришди. Якунда улардан етти нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, вакилларимиздан Хуршид Тожибоев (60 кг.), Ўктамжон Раҳмонов (69 кг.) олтин, Жасурбек Латипов (48 кг.), Орзубек Шоимов (54 кг.), Элшод Расулов (81 кг.) кумуш, Баҳодиржон Султонов (57 кг.) ҳамда Аббос Атоев (75 кг.)лар бронза медали билан тақдирландилар.

Ҳамширага аталган гуллар

Тиббиёт масканларида

Тонг ота бошлади. Шафақ аввал бўзариб, сўнг оқарди. Шаҳар марказидаги шифохонанинг реанимация бўлимидаги хоналарнинг бирида туни билан чироқ ўчмади. Бу оқшомни икки киши бедор ўтказди. Бири оғир дард азобидан азият чекиб, мижжа қоқмаган бемор, иккинчиси унинг атрофида парвона бўлган ҳамшира.

Оппоқ либосли аёл оҳиста ўрнидан қўзғалди. Оҳиста юриб хона деразасини қия очди. Дори ҳиди ўрнашиб қолган хонага муздек ҳаво ёпирилиб кирди. Беморнинг кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, бир текисда нафас ола бошлади.

— Хайрият, — енгил хўрсинди ҳамшира. — Ишқилиб, дарднинг аригани рост бўлсин!..

Шундай ўй-хаёллар оғушида бемор ётган хонадан чиқиб келган ҳамширанинг кўзлари даставвал йўлак этагида, шундоқ чиқаверишдаги эшик олдига қўйилган стол устида турган гулларга тушди. Пушти, сариқ, қирмизи гуллар. Улар дид билан дасталанган.

— Бу кимнинг иши бўлди? — ўйлади ҳамшира. — Қаранг, гуллар ҳозиргина гулзордан узиб олингандай хушбўй таратиб турибди-я.

Теварак-атрофга разм солди. Дераза ортида бировнинг шарпасини илғагандай бўлди. Қия очиқ турган эшикка қараб овоз берди:

— Ким у?

— Менман, опажон, — эшикда ўрта бўйли, озғингина йигит кўринди. — Кечаси отамнинг ёнида қолиш учун келгандим. Йўлакда ўтириб чиқдим. Мана бу гулларни эса, сизга атаб олиб келдим! Туни билан отамнинг ёнидан жилмадингиз, у кишининг дардига малҳам бўлдингиз, баб-баравар дард чекдингиз — ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат!

Аёл ҳорғин жилмайди. Чарчоқлари бир зумда қайларгадир учди-кетди. Тутқич бермас учқур хаёллари эса уни олис-олисларга, болалиги сари бошлади.

...У бир томони тоғлар, бир томони далаю даштлар билан туташиб кетган Жиззах туманига қарашли қишлоқда ўқитувчи оиласида улғайди. Сочлари жамалак Ўғилой чаққон, эпчил ва зийрак эди. Тиришқоқ эмасми, мактабда яхши ўқиди. Завқли-шавқли ўтаётган шундай кунларнинг бирида отаси тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Ҳар доим уни эркалайдиган, ёру кўкка ишонмайдиган меҳрибон кишисининг туни билан иситмалаб, алаҳсираб чиққани Ўғилойга қаттиқ таъсир қилди. Эрталаб «Тез ёрдам»да шифокорлар келишди. Эгнидаги оқ халати, бошидаги оппоқ қалпоғи ўзига ярашиб турган чаққон ва истарали ҳамшира дадасига укол қилди, дори ичирди. Ҳали улар кетиб улгурмасидан беморнинг ҳарорати пасайди. Шу воқеадан сўнг Ўғилой ўзича: «Катта бўлсам, албатта, ҳамшира бўламан», дея аҳд қилиб қўйди.

Йилларни қувиб йиллар ўтди. Мактабни аъло баҳоларга битирган Ўғилой ҳужжатларини Жиззах тиббиёт билим юртига топширди. Бу ерда у устозлари кўмагида ҳамширалик касбининг ўзига хос қирраларини эгаллашга ҳаракат қилди. Қўлига тиббиёт ҳамшираси деган дипломни олиб, шифохонада иш бошлаганига ҳам, мана, йигирма олти йил тўлади.

Бу йиллар Ўғилой учун чинакам изланиш, касбининг сир-асрорларини ўрганиш, тажрибасини бойитиш даври бўлди. Жамоада ўз ўрнини топди. Турмуш қурди. Уч ўғил, бир қизнинг онаси бўлди. Эҳ-ё, бу орада нечанеча тунларни беморлар тепасида мижжа қоқмай ўтказди, қанчадан қанча одамларнинг дардини енгиллатиш учун уларнинг атрофида парвона бўлди. Ота-онаси, устозлари юзини ерга қаратмади, уларнинг ишончини оқлади. Энг муҳими, эл-юрт уни «қўли енгил ҳамшира» деган шарафга лойиқ, деб топди, шундай номга муносиб кўрди. 2006 йили Ўғилой Қобилова Президентимиз фармонига кўра иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

— Шукур, минг бора шукр, — дейди у. — Севимли касбимда ишлаяпман, одамларга керакман. Бемор дардига малҳам бўлишга уринаяпман. Инсон учун бундан ортиқ яна нима керак? Бахт ҳам, бахтиёрлик ҳам, яшашдан мақсад-муддао ҳам аслида шунда эмасми?

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг олий малакали тиббиёт ҳамшираси Ўғилой Қобилова қўлидаги анвойи гулларга боқди. Ахир, бу гуллар унга — ҳалол, фидойи меҳнати билан касбини эъзозлаб келаётган меҳри дарё ҳамширага аталган.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Полвонларингизни биласизми?»

Азал-азалдан халқимиз ўз паҳлавонларини эъзозлаб келган. Мард ва танти, кучли ва забардаст полвонларимизнинг халқаро миқёсда эришган натижалари ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат мактаби саналган.

Агар спортимиз тарихига назар ташласак, боксчи Руфат Рисқиев, оғир атлетикачи Эркин Каримов, самбочилар Сайфиддин Ходиев, Бобомурод Файзиев, юнон-рум курашчиси Комил Фатхуллин каби кўплаб якка кураш усталари кўз олдимизда намоён бўлади. Улар жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинларида қўлга киритган ютуқларни бугун ёши улуғ спорт мухлислари ўзгача бир фахр билан эслашади.

Оққан дарё оқмасдан қолмас, дейди халқимиз. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон фарзандларининг ўз истеъдод ва маҳоратларини намойиш этиши учун улкан имкониятлар эшиги очилди. Президентимиз раҳбарлигида юртимизда замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда, спортчиларимизни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларига тобора катта эътибор қаратилмоқда. Ўн саккиз йилдирки, мамлакатимиз спортчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ҳамда йирик нуфузли мусобақаларда мустақил жамоа сифатида иштирок этибгина қолмай, ғолиб ва совриндорлар қаторида эътироф этилаётир. Уларнинг оламшумул ғалабалари шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграмоқда.

Аммо шуни ҳам тан олиш керакки, дунёга танилган спортчиларимиз ҳақида ёзилган асарлар, фильмлар сони ҳам, сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ҳатто яқин ўтмишда машҳур бўлган спортчиларимизни бугунги ёшлар унчалик билмайди. Ваҳоланки, уларнинг ҳаёт йўли, кўрсатган маҳорати ва жасорати ибрат бўлишга муносиб.

Зеро, давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, ҳар бир соҳада устоз-шогирд анъанаси қарор топиши эришилган ютуқлар давомийлигини таъминлайди. Шу маънода, спорт дарғалари, уларнинг салоҳияти, Ватанимиз ва халқимиз шарафини ҳимоя қилишдаги фидойилиги, қўлга киритган ютуқларини ёшларга намуна қилиб кўрсатишимиз лозим.

Шу муносабат билан яқинда Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Полвонлар Миллий энциклопедияси» жамияти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорликда хайрли ишга қўл урди. Бу йилдан бошлаб Республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Сиз полвонларингизни биласизми?» танлови ўтказиладиган бўлди.

— Танловдан кўзланган бош мақсад, — дейди «Полвонлар Миллий энциклопедияси» жамияти раҳбари Норқул Юсупов, — вақт ўтиши билан унутилиб бораётган миллий спорт юлдузлари, полвонларимиз ҳақида маълумотлар тўплаш, уларнинг номларини абадийлаштириш, фахрий спортчиларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, ёшларимизга кимларнинг ворислари эканлигини чуқур англатиш. Бу хайрли ишда ўсиб келаётган ёш авлоднинг бевосита иштирок этиши янада муҳим, бу авлодлар давомийлигини таъминлаб қолмай, маънавий тарбияга хизмат қилади, спортга ҳавас-иштиёқни оширади. Танлов уч (туман, шаҳар ва вилоят, республика) босқичда ўтказилади. XIX-XXI асрларда яккакураш спорт турлари билан шуғулланиб, яшаб ўтган ва ҳозир ҳаёт, Олимпия, Осиё ўйинлари, Жаҳон, Европа ҳамда мамлакат чемпионатларида, йирик нуфузли турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган полвонлар, мураббийлар ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш танловнинг асосий мезони саналади. Бунда аввало барча таълим муассасалари жамоаларининг фаол иштирок этиши учун мактаб, лицей ва коллежларимизда «Ёш полвонлар» тўгараклари фаолиятини йўлга қўйишга қарор қилинди.

Повонларимиз ҳақида тўпланган маълумотлар, суратлар асосида энциклопедия яратиб борилади.

Эркин ХОЛБОБО

Божхона бекати

Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартиблари мавжуд. Унга кўра, резидентлар 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишига рухсат этилади. 2000 АҚШ долларидан ортиқча миқдордаги валютани олиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банкларнинг рухсатномаси бўлиши лозим.

Қинғир йўлнинг охири...

Жорий этилган амалдаги тартибларга қарамай, нақд хорижий валюталарни яширинча олиб чиқишга уринишлар учраб турибди.

Ўтган 2009 йилда республикамиз божхоначилари томонидан аниқланган салкам 6300 та қонунбузарлик ҳолатида 5,2 миллиард сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Хўжаобод туманидаги айланма йўлда қўшни давлат ҳудудига ўтишга уринган фуқаро Ф.Мамажонова божхона назоратидан ўтказилганда ўзи билан 3100 АҚШ долларини яширинча олиб чиқишни кўзлагани аён бўлди.

Бухоролик Б.Ядгарованинг қилмишига ҳам Хўжаобод туманида нуқта қўйилди. Қонунбузар 3250 АҚШ долларини ноқонуний тарзда олиб чиқишга уринганлар пайтда божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

Шунингдек, нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқишга уринганлар рўйхатида фарғоналик М.Асланова ва М.Хожиматовалар ҳам бор. Улар салкам 8200 АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга ҳаракат қилишган. Аммо, бундан ўзлари панд еди, қонун олдида жавобгар бўлди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси директор ўринбосари, профессор Баҳодир Умурзоковга онаси **Рабигул аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қонундан қочган тадбиркорлар

Кейинги йилларда республика ҳудудида иқтисодий жиноятчиликнинг, ноқонуний равишда товарлар олиб кирилишининг олдини олиш, хуфёна фаолият юритилишини чеклаш, пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Улардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қароридир.

Вилоят солиқ органи ходимлари томонидан ўтган йили 642 ҳолатда четдан контрабанда йўли билан ноқонуний келтирилган 270,9 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинди. Масалан, Шаҳрисабз туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Шаҳрисабз шаҳридаги «Беруний қурилиш материаллари бозори»да савдо-сотиқ билан шуғулланаётган тадбиркор О.Хуррамовнинг фаолиятини кўздан кечирганда, у ҳеч қандай ҳужжатсиз ва сифат сертификатсиз қурилиш материаллари билан савдо-сотиқни амалга ошираётганлиги аниқланди.

Яна бир далил. Қарши шаҳридаги «Буюм бозори»да фуқаро Д.Мажидова турли материаллар билан савдо қилиб келган. Ундан савдо-сотиқ қилиш учун тегишли ҳужжатлар сўралганда на бирор ҳужжат, на сифат сертификатини кўрсата олди. Унга тегишли бўлган 6873,0 минг сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотларининг савдосига чек қўйилди.

Яккабоғ шаҳар, Жамбул кўчаси, 15-уйда истиқомат қилувчи фуқаро А.Қўзиев ҳам шаҳардаги «Қурилиш материаллари» бозорида ана шундай ҳеч қандай ҳужжатсиз ва сифат сертификатисиз савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган.

Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги «Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилган рейд-тадбирлар натижасида 118 ҳолатда 1226,0 минг сўмлик 126,5 литр спирт, 5480 литр 24497,5 минг сўмлик алкоголли маҳсулотлар ва 9588 минг сўмлик 16263 қути тамаки маҳсулотлари ноқонуний савдодан олиб қўйилган. Тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун тергов ва суд органларига ўтказилди.

Масалан, Ғузор туман ДСИ ходимлари «Муштарийбону кўзгуси» хусусий савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказганларида дўконда 10 турдаги 9946,0 минг сўмлик спиртли ичимликлар кирим ҳужжатларисиз савдога қўйилганлиги маълум бўлди. Қарши шаҳар ДСИ ходимлари «Империал конгресс» хусусий савдо фирмасида ўтказилган қисқа муддатли текшириш дўкондаги 490,0 литр, 515,6 сўмлик спиртли ичимликларни, шунингдек, «Фаввора универсал» хусусий корхонасига қарашли дўкондаги 90,0 литр, 515,6 сўмлик спиртли ичимликларни фош қилди. 7 ҳолатда 499,8 минг сўмлик 147,5 литр спиртли ичимликлар ноқонуний савдодан олиб қўйилди.

Шунингдек, йил мобайнида рўйхатдан ўтмасдан, солиқларни тўламасдан фаолият кўрсатиб келган 126 та ўсимлик ёғи, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи яширин цехлар фаолиятига ҳам барҳам берилди.

Шаҳар бедарвоза эмас. Ноқонуний фаолият юритиб, «тадбиркормиз» деб кўкракларига ураётган баъзи кимсалар, гувоҳи бўлганингиздек, тузоққа тушишлари, қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррар.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бўлими бошлиғи.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
16701 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda